



# MAVZU

TA'LIM SIFATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XALQARO  
TAJRIBADAN FOYDALANISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

---

# TEMA

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА  
В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ:  
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

---

# TITL

USING INTERNATIONAL EXPERIENCES IN QUALITY OF  
EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS





УДК: 355.4(78.15)

**Таълим сифати самарадорлигини оширишда халқаро тажрибадан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар** мавзусидаги халқаро илмий-амалий офлайн/онлайн конференция материаллари тўплами, 2-том, 2021 йил 19 октябрь (Ҳарбий фанлар доктори, профессор, полковник С.С. Абдурайимовнинг умумий тахрири остида). – Чирчиқ.: Чирчиқ ОТҚМБЮ, 2021. -828б.

**“Таълим сифати самарадорлигини оширишда халқаро тажрибадан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий офлайн/онлайн конференция тўпламига талабалар, магистрантлар, илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчи ва тадқиқотчилар, мазкур соҳа мутахассислари ҳамда профессор ўқитувчиларнинг илмий ишлари киритилган.

Ушбу илмий-амалий офлайн/онлайн конференциянинг асосий мақсади ўқитишнинг анъанавий ва замонавий инновацион усуллари, ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда илм-фан ютуқларидан фойдаланишни жорий этиш, олий ҳарбий таълим муассасаларида табиий-илмий ва ҳарбий-касбий фанларни интеграциялаб ўқитиш механизмларини яратиш, таълим сифати самарадорлигини оширишда халқаро тажрибадан фойдаланиш ва курсантлар билимини назорат ва мониторинг қилишнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва маълумотлар алмашишдан иборат.

Бу эса ўз навбатида ҳарбий таълим профессор-ўқитувчиларининг олий ва ҳориж таълим муассалари ўқитувчилари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини кенг йўлга қўйиш, офицер кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим-тарбия ишлар тизимини янада такомиллаштириш, ҳарбий таълим профессор-ўқитувчиларининг касбий-илмий салоҳиятлари, педагогик маҳоратларини оширишга хизмат қилади. Келгусида ушбу тўплам материалларини ҳарбий таълим, ҳарбий-илмий фаолиятда қўллаш баробарида, илмий изланувчи тадқиқотчи ҳамда магистрантларнинг илмий изланишларида фойдали манба бўлади деган умиддамиз.

Тахрир хайъати: Отаматов М., подполковник  
Ворисова Р., кфн, ҚК хизматчиси  
Ҳалимов Э., доцент ҚК хизматчиси  
Абдувоҳидов Ф., катта ўқитувчи, ҚК хизматчиси  
Халилаев Б., ўқитувчи, ҚК хизматчиси  
Сулейманова А., III-даражали сержант





mamlakatlar tajribasini amalga tadbiiq etish.....	82
<b>ЭШКУВВАТОВ Ш.Н., МАХМУДОВ Н.А., УЛАШОВ Ж.З.</b> Аннигиляция позитронов в иттриевых сверхпроводящих керамиках, изготовленных различными методами.....	85
<b>ТОЛЮЕВА N.E.</b> Ta'lim samaradorligini oshirishda pedagogik metodlarning ahamiyati	86
<b>ХОЛИҚОВ И.Р. АМАНОВ Ғ.М.</b> Ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.....	91
<b>ИСМАИЛОВ М.К.</b> Талабаларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив технологиялари.....	95
<b>RASULOV A.U.</b> Teaching Grammar Through Communicative Approach.....	99
<b>АТОЕВА М.Ф.</b> Таълим сифатини оширишда педагог компетентлигини ривожлантириш йўллари.....	103
<b>САЛОМОВ Ғ.Ю., ҒАНИЕВ Ҳ. Й.</b> Тарбиявий соатларни инвариант ва вариатив усулларда ташкил қилиш ва ўтказиш.....	105
<b>САИДОВА Р.М.</b> Ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш.....	107
<b>АХМЕДОВ N.K.</b> Alohida xorij davlatlari qurolli kuchlar harbiy xizmatchilarini tarbiyalash tizimi....	109
<b>ТЎРАЕВ Ш.Ф.</b> Мустақил таълим ўқитишнинг самарали усули.....	113
<b>ИСМАИЛОВ Д.Т.</b> Нутқий маҳоратини ривожлантириш орқали ҳарбий хизматчиларни маданийликка эргаштириш.....	115
<b>QALANDAROV E.Q. XUSHVAQTOV O'N.</b> Umumiy o'рта ta'lim maktab fizika o'qituvchilari oldida turgan dolzarb muammolar.....	118
<b>RUZIEV M.G'., SAPAROV A. Y.</b> Ta'lim-tarbiyada tarixiy xotira va ona tilini qadrlash...	121
<b>ЗИЯДУЛЛАЕВ А.Ш., АМЕТОВ Э.С., КОБИЛОВ Ж.С., ЖУРАБОЕВ Н.И., ҲАМРОҚУЛОВ Ғ.Б.</b> Курсант ва тингловчиларнинг мустақил таълим вақтини ташкиллаштиришнинг асосий вазифалари.....	123
<b>KADIROVA M.M.</b> Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim texnologiyalaridan foydalanish yo'llari.....	125
<b>УЗОҚОВ А.М., НУРУЛЛАЕВ Л.Л.</b> Олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик даражасини баҳолаш мезонлари.....	127
<b>ПУЛАТОВ Б.Ж.</b> Профессинал кадрларни тайёрлаш устувор вазифа.....	131
<b>ISLOMOV M.U., DJANIKULOV SH.B.</b> Ta'lim sifati samaradorligini oshirishda yapon ta'limi tajribasidan foydalanishning yutuq va kamchiliklari.....	133
<b>MOVLANOV A.S.</b> Texnika fanlarini o'zlashtirishda foydalaniladigan adabiyotlar roli.....	135
<b>АХМЕДОВ Э.Э.</b> Ҳарбий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилаётган замонавий талаблар.....	139
<b>БЕКНАЗАРОВ А.А., МАМАРАУФОВ О.А., ТОЖИБОЕВ Д.Ё.</b> Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!.....	141
<b>ҒАНИЕВ А.С.</b> Ҳарбий таълим-тарбия – келажак подевори.....	145
<b>МАМАРАУФОВ О.А., АСОМИДДИНОВИЧ В.А., ТОЖИБОЕВ Д.Ё.</b> Миллий маънавият юксалишида мафкуранинг ўрни.....	149
<b>МАМАТҚОБИЛОВ Т.Д. ҲАЙДАРОВ Қ., ТОЖИБОЕВ Д.Ё.</b> Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!.....	151
<b>КАРИМОВ Б.Т.</b> Таълим ва тарбия методикасининг замонавий йўналишлари.....	154
<b>БЕКНАЗАРОВ А.А., ТОЖИБОЕВ Д.Ё., ДЖАМАЛОВ Х. Т.</b> Мудофаа тизимида маънавий – маърифий ишларни самарали ташкил этиш омиллари.....	156
<b>ТОЖИБОЕВ Д.Ё.</b> Янги ўзбекистон тараққиётида ёшлар сиёсати.....	159
<b>УРУНОВ У.Р.</b> Илгор хорижий тажрибаларни ҳарбий таълим тизимига жорий этиш услубияти.....	161
<b>ҚОДИРОВ Д.Х.</b> Абу Ҳомид Ғаззолий қўшин ва аскарларнинг фазилати ҳақида.....	163
<b>АБДАЗИМОВ А.Д., ИРИСОВ Х.Д., АТАДЖАНОВА М.М.</b> Магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот семинари фаолиятини ташкил қилиш ва ўтказиш	





Шу боис ўқувчиларни ҳар томонлама комил инсон, ўқимишли зиёли, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ўзгаларга ўрнак бўладиган ва бу борада қилиниши лозим бўлган ишларни аниқ режалаштириб, мунтазам мақсадли фаолият олиб боришимиз ушбу мақсадлар амалга ошиши учун мактабларда олиб бориладиган тарбиявий соатларни тубдан ислоҳ қилишимиз уларни давр ва замон талаблари даражасида ташкил этишимиз бугунги куннинг долзарб масалаласидар.

Тарбиявий соатларни мазмунан бойитиб, юқори савияда ташкил этишимиз керакки, ҳар бир мавзунини атрофлича баён қилиб ўқувчи онги шуурига сингдиришга эришсак, ўқувчилар кейинги ҳафта бўладиган тарбиявий соатларни интиқлик билан кутишади мана шу жараёнда ўз фикрини билдиришни, жараёнга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишини ва шу билан ўқувчиларда ватанпарварлик туйғулари шаклланиб, ўша биз орзу қилган комил инсон, малакали шахс қиёфаси намоён бўлади. Тарбиявий соатларда Ватан, мустақиллик, ватанпарварлик, ота-она, устоз, дўстлик, қадим кадриятлар урф-одатлар ҳақида фақат тушунча бериш билан чегараланмасдан, ҳар бир дарсни қимматли маълумотлар билан қизиқарли ва сермазмун воқеалар билан бойитган ҳолда ўқувчи онгини юксалтиришга эришиш лозим.

Миллий дастурнинг амалга оширилиши натижасида жамиятда мутақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахснинг кўпайиши жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини вужудга келтиради. Маънавияти бой, мустақил фикрига эга, дунёқарashi кенг кишиларга ҳеч қандай нопок куч, бузук гоёлар, куруқ шиорлар, чакириқлар билан таъсир этиб бўлмайди.

Ўзбек халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик жамият қуришдек улкан мақсадни қўйган. Ушбу мақсад йўлида кўплаб қадамлар қўйилди ва қўйилмоқда. Дунёнинг бугуни ривожини шундай бир босқичдаки, бунда ҳал қилувчи куч, ҳарбий салоҳиятда эмас, интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда ва илгор технологиялардадир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан таъкидланган “Куч-билим ва тафаккурда” деган ҳикмати бугун ва ертанги кун учун айтилгандир.

Дарҳақиқат, инсоният пайдо бўлибдики, аслар оша кишилик жамиятининг энг долзарб масаласи “Тарбия” тушунчаси ўзининг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини сақлаб келмоқда, шундай экан ёшлар тарбияси ва тарбиявий жараёнлар билан боглик ислохотлар амалга оширилиши, тарбиявий соатларни ташкил этишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Она юртимизнинг бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. - Тошкент НМИУ, 2015. – 439 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент Ўзбекистон, 2011. 430 бет.
3. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А., Педагогик технология асослари. Қўлланма. – Тошкент Ўқитувчи, 2004. - 104 бет.
4. Ҳасанов Ж., Тўрақулов А., Алқаров И.Ж., Усмонов Н.У., Педагогика. – Тошкент Ношир, 2020.
5. Очилова Г., Мусаханова Г., Тоғжиева Ш. Тарбиявий ишлар услубияти. Масалалар тўплами. – Тошкент 2015.

## ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

*Саидова Раъно Меҳриевна,*

*Бухоро давлат университети Физика кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш ҳамда таълим сифатини оширишда педагог компетентлигини ривожлантириш масалаларининг жиҳатлари баён қилинган бўлиб, ўқитиш жараёнларининг босқичлари санаб ўтилган.

**Калит сўзлар:** педагогик иш, узлуксиз таълим тизими, таълим жараёни, ўқув фаолияти, талаблар комплекси, касбий лаёқат.

**Аннотация:** В статье рассмотрены аспекты развития педагогической компетентности при обучении и повышения качества обучения в военно-учебных заведениях, перечислены этапы учебного процесса.





**Ключевые слова:** педагогическая работа, система непрерывного образования, учебный процесс, учебная деятельность, совокупность требований, профессиональная компетентность.

**Annotation:** The article examines aspects of the development of pedagogical competence in teaching and improving the quality of education in military educational institutions, lists the stages of the educational process.

**Key words:** pedagogical work, continuous education system, educational process, educational activity, set of requirements, professional competence.

Бўлажак ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш қуйидаги мезонлар (белгилар) ва кўрсаткичлар (тоифалар, турлар) билан тавсифланди:

мазмун ва хусусиятларига кўра–хусусий ва ёлланган; ихтиёрий ва мажбурий; жисмоний ва ақлий; репродуктив ва ижодий; яқка тартибдаги ва жамоавий; енгил, ўрта ва юқори мураккаблик даражасидаги меҳнат;

ташқил этилиш шаклига кўра–яқка, гуруҳли ва жамоавий меҳнат;

предмети ва маҳсулотига кўра–техник, бошқарув, тадбиркорлик, инновацион ва хўжалик бошқарувининг турли тармоқларидаги меҳнат;

воситалари ва усулларига кўра–қўлда бажариладиганва чала механизациялашган; механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган; паст, ўртача ва юқори технологик; кичик мутахассис иштироки турли даражада бўладиган меҳнат;

қатъий белгиланган шароитга кўра–кўчмайдиган ва кўчма; ер усти ва ер ости; енгил, ўртача ва огир; жозибали ва жозибасиз (ноқулай); эркин ва қатъий белгиланган меҳнат.

Технологик жараён, яънимоддий ёки маънавий маҳсулотнингҳосил бўлиши меҳнат жараёни билан узвий боғланган бўлиб, бўлажак кичик мутахассис меҳнатининг мазмуни ва тартиби технологик жараёнлар билан белгиланиши аниқланди. Кичик мутахассисмеҳнати қўлланиладиган *технологик жараёнлар* қуйидаги мезонлар (белгилар) ва кўрсаткичлар (тоифалар, турлар) билан тавсифланди:

энергия манбаига кўра– суғу ва фаол технологик жараёнлар;

меҳнат предмети таъсир кўрсатишнинг узлуксизлик даражасига кўра– узлуксиз ва дискрет (узук-узук) технологик жараёнлар;

меҳнат предмети таъсир кўрсатиш усули ва қўлланиладиган жиҳозларга кўра– механик ва аппаратли технологик жараёнлар.

Шундай қилиб, кичик мутахассиснинг *меҳнат жараёни* қуйидаги мезонлар (белгилар) ва кўрсаткичлар (тоифалар, турлар) билан тавсифланди:

меҳнат предмети ва маҳсулот хусусиятига кўра– моддий-энергетик (ишчиларга хос) ва аҳборотли (хизматчиларга хос) меҳнат жараёни;

бажариладиган иш-вазифаларига кўра–асосий ва ёрдамчи иш ўринларида маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчиларнинг меҳнат жараёни; иш ўринлари ва жиҳозларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишчиларнинг меҳнат жараёни; хизматчиларнинг (раҳбарлар, мутахассислар, техник ижрочилар) меҳнат жараёни;

меҳнат предмети таъсир кўрсатишда иштирок этишига кўра– қўлда бажариладиган меҳнат жараёни; машина ва қўлда бажариладиган меҳнат жараёни; машинада бажариладиган меҳнат жараёни; автоматлаштирилган (компьютерлаштирилган) меҳнат жараёни.

Кичик мутахассиснинг меҳнат жараёни технологик жараёнлар билан боғланган фаолият бўлиб, бу жараённинг айрим (ўзига хос) жиҳатларига мувофиқ келувчи меҳнат операцияларини, меҳнат операциялари бирмунча хусусий мақсадга эга бўлган меҳнат усулларини, меҳнат усуллари эса айрим ақлий ва жисмоний меҳнат ҳаракатларини (алоҳида амалларни) ўз ичига олиши аниқланди.

Кичик мутахассиснинг *меҳнат усули* меҳнат жараёнининг айрим қисмларини бажаришда технологик жиҳатдан боғланган меҳнат ҳаракатлари мажмуидан, *меҳнат операцияси* эса маҳсулот олинишини таъминлайдиган меҳнат усуллари мажмуидан иборат бир хил турдаги асбоб-ускуналар билан бажариладиган технологик жараённинг бир қисми эканлиги тавсифланди.





Kasb-hunar коллежлари ўқувчилари кичик мутахассис меҳнатига хос бўлган барча хусусиятларни уни тайёрлашга қўйилган малака талабларига мувофиқ касб-хунар таълими жараёнида ўзлаштириши, касб-хунар таълими – бир қатор билим соҳалари билан узвий боғланган, бўлгуси мутахассисларни касбга тайёрлаш жараёни билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги тушунчаларни ўз ичига қамраб олган интегратив ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этувчи таълим (мураккабпедагогик билим) соҳаси эканлиги, шунингдек касб-хунар таълими мазмунан бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тақозо қилувчи икки таркибий қисмни (назарий ва амалий таълимни) ўз ичига олиши асослаб берилди. “Амалиётсиз назариядан назариясиз амалиёт кадрлидир” (Марк Фабий Квинталиан).

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрельдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
2. Толипов Ў. Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.– Т.: Фан, 2006. – 262 б.
3. Мирсолиева М.Т., Ҳошимова М. ОТМда ўқув жараёни ва ўқув-ўқувчи фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этиш// Ўқув-ўқувчи мажмуа. – Т.: БИММ, 2015.

**ALOHIDA XORIY DAVLATLARI QUROLI KUCHLAR HARBIY  
XIZMATCHILARINI TARBIYALASH TIZIMI**

*Axmedov Nurbaxt Kengesovich*

*Chirchiq OTQMBYU Taktika kafedrasi katta o'qituvchisi, podpolkovnik*

**Аннотация.** Mazkur maqolada xorijiy davlatlar armiyasidagi harbiy xizmatchilarni tarbiyalash, komandirlarni bo'linma va qismlarda optimal axloqiy-ruhiy muhitni yaratish usullarni o'rgatish, harbiy intizomni mustahkamlash, harbiy xizmatchilar orasida turli psixik buzulishlarni o'z vaqtida aniqlash va ularning oldini olish uchun turli usullarni qo'llash masalalari ko'rib chiqilgan.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы воспитания военнослужащих в зарубежных армиях, обучения командиров методам создания в подразделениях и частях оптимального морально-психологического климата, укреплению воинской дисциплины, своевременному распознаванию психических нарушений среди военнослужащих и применению различных способов (методов) по их предупреждению.

**Калит so'zlar:** siyosiy ta'lim, tarbiya, tarbiyalash, ichki boshqaruv, ma'naviy ongni shakllantirish, komandaga oid axborot, fuqarolik tarbiyasi.

**Ключевые слова:** политическое образование, воспитание, воспитать, внутреннее управление, формирование духовного разума, информации о командах, гражданского воспитания.

O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimov Qurolli Kuchlarimizni tashkil topganining 23 yilligi bayram tabrigida so'zlagan otashin nutqida bunday degan edi: "...Harbiy qurilish, qo'shinlarning xizmat-jangovar faoliyatini tashkil etish sohasidagi ilg'or xorijiy tajriba va zamonaviy harbiy san'at yutuqlarini chuqur o'rganish va ulardan foydalanish asosida ishlab chiqilgan, bosqichma-bosqich va o'zaro bog'liq islohotlar dasturlarini samarali va izchil amalga oshirish armiyamizni tashkil etishning ko'p jihatdan hal qiluvchi sharti va garovi bo'ldi.

Shu ma'noda, xorijiy davlatlarning mudofaa idoralari bilan o'zaro hamkorlikni chuqurlashtirish bizning eng muhim ustuvor vazifamiz bo'lib qolmoqda. Ana shunday xorijiy mudofaa idoralari bilan o'zaro manfaatli sheriklik munosabatlari o'rnatilgan bo'lib, bunday hamkorlik kengayib bormoqda, ikki tomonlama harbiy va harbiy-texnikaviy hamkorlik doirasidagi yillik rejalar amalga oshirilmoqda....".

Xorijiy davlatlarda harbiy xizmatchilarni tayyorlash nazariyasi va amaliyoti shuni ko'rsatadiki, "tarbiya" odatdagi ma'noda qo'llanilmaydi. Bizning tushunchamizdagi "tarbiyalash", xorij harbiy nazariyachilari boshqacha talqin qiladilar. Bular "siyosiy ta'lim", "ma'naviy ongni shakllantirish", "ichki boshqaruv" va boshqalar. Dunyoning yetakchi xorijiy mamlakatlarida (AQSH, Angliya, Germaniya) davlat va jamoat tuzilmalarining maqsadga yo'naltirilgan faoliyati, ya'ni, qurolli kuchlarning turli institutlari, komandirlar (boshliqlar), ular qo'l ostidagi harbiy xizmatchi shaxsini o'z mamlakatining sodiq fuqarosi bo'lish,

